

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ
ЭТИЛАДИ”**

“Иқтисодиёт” кафедраси
муdiri

_____ доц.
А.И.Рахматуллаев
“ _____ ” _____ 2016
йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Иқтисодиёт” факультети
декани _____ и.ф.д., проф.

А.Ф.Хуррамов
“ _____ ” _____ 2016 йил

Отамуродов Камолиддиннинг

“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлиги” (Касби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалиги мисолида) мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ:

“Иқтисодиёт” (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши
IV-курс И-461 гуруҳ талабаси
_____ К. Отамуродов

ИЛМИЙ РАҲБАР:

“Иқтисодиёт” кафедраси
к.ў. _____ Ш.О.Амиркулов

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди

сонли баённома “ _____ ”

2016 йил

ҚАРШИ – 2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
“Иқтисодиёт” факультети
5230100- “Иқтисодиёт” бакалавр таълим йўналиши
И-461 гуруҳ талабаси Отамуродов Камолиддиннинг
“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва унинг иқтисодий
самарадорлиги”
(Касби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалиги
мисолида ёзилган битирув малакавий ишига
Тақриз

Талаба Отамуродов Камолиддиннинг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлиги мавзусидаги (Касби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалиги мисолида ёзилган битирув малакавий иши бугунги бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бугунги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб шиддат билан ўсиб бораётган талабни фақат тармоқ ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш асосидагина қондириш мумкин.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида талаба мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари, объекти ива тузилиши ҳақида фикр юритилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг назарий - илмий ва амалий жиҳатлари атрофлича ёритилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни Касби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ ҳолда иқтисодий таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишининг учунчи бобида эса назарий ва амалий таҳлил натижаларига асосланган ҳолда истиқболда қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида мавзунинг ўрганиш ва таҳлил натижаларига асосланиб хулосалар ясалган ва фермер хўжалиги мисолида тармоқ ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш учун илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида мавзуни ўрганиш жараёнида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

. Малакавий иши оддий раван ва содда тилда ёзилган. Бироқ мавзуни ёритишда ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда математик моделлаштириш усулидан фойдаланилмаган. Кўп вариантли таклифлар асосида оптимал ечим топиш масаласига етарлича эътибор берилмаган. Бу ва бошқа шу сингари камчиликлар мавжуд бўлиб, бу битирув малакавий ишини сифатини пасайтирмайди.

Битирув малакавий иши Олий ва Ўрта махсус таълими томонидан қўйилган барча талабларга тўлиқ жавоб беради ва ижобий баҳоланади.

Илмий раҳбар “Иқтисодиёт” кафедраси ката ўқитувчиси Ш.О.Амиркулов

15-июнь 2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
“Иқтисодиёт” факультети
5230100- “Иқтисодиёт” бакалавр таълим йўналиши
И-461 гуруҳ талабаси Отамуродов Камолиддиннинг
“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва унинг иқтисодий
самарадорлиги”
(Касби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалиги
мисолида ёзилган битирув малакавий ишига
Тақриз

Маълумки аграр соҳани ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиш ҳисобланади. И-461 гуруҳ талабаси Отамуродов Камолиддиннинг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлиги мавзусидаги (Касби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалиги мисолида ёзилган битирув малакавий иши давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мураккаб жараён ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш шарт ва зарур ҳисобланади.

Талаба ўзининг битирув малакавий ишида тармоқда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш назарий илмий ва амалий жиҳатларини тўлақонли ўрганиб таҳлил қилиб чиққан.

Шунингдек фермер хўжалигини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ёрдамида интенсивлаштиришга таъсир қилувчи омиллар ўрганилган ҳамда интенсивлаштириш даражасини ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишида тармоқ ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг яқин истиқболдаги аниқ йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Малакавий иши тушунарли, тартибли ва оддий, равон, содда тилда ёзилган бўлиб, бу битирув малакавий ишини бажаришга қўйилган барча талабларга жавоб беради.

Битирув малакавий ишини бажаришда баъзи бир камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, масалан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг хориж тажрибаларига эътибор берилмаган, мамлакат ҳудудларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ёндошилмаган. Бу ва бошқа шу сингари камчиликлар мавжуд бўлиб бу битирув малакавий ишини нуфузини пасайтирмайди.

Битирув малакавий ишини 75 балл билан ижобий баҳоланади ва талаба Отамуродов Камолиддинни иқтисодиёт йўналиши бўйича бакалавр даражасига лойиқ деб ҳисоблайман.

Тақризчи;

“Ишлаб чиқариш менежменти” кафедраси мудири;

доц.И.Э.Турсунов

18-июнь 2016 йил

И-461 Отамуродов Камолитдин 2015-2016 ўқув йили

Мавзу: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлиги (Қасби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалиги мисолида

Мундарижа

Кириш

1.боб. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг назарий-илмий асослари

1.1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти

1.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришга таъсир этувчи асосий омиллар.

1.3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари.

2.боб. Иқтисодиёт либераллаштириш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришлари омиллари таҳлили

2.1. Фермер хўжалигини ташкил этилиши тарихи ва ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиши

2.2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш асосида маҳсулот етиштириш динамикаси ўзгаришлари таҳлили

3.боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўллари

3.1. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда давлатнинг роли

3.2. Фан техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлиги таъминлашнинг муҳим омили сифатида

3.3. Меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни оқилона ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шarti

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи давлатлари тараққиёти учун саноат ривожланишидан кейинги босқич хос бўлиб, бу босқичда иқтисодий ўсиш омилларининг роли ва ўрни ўзгармоқда. Анъанавий ҳисоблаб келинган уч: меҳнат, ер, капитал омилларига фан-техника таррақиёти омили ҳам қўшилди, ахборот ва билимлар эса энг муҳим ресурсларга айланди. Инновацион иқтисодиёт бевосита ана шу асосда шаклланиб, ушбу иқтисодиётда инсон ва унинг салоҳияти ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг барқарор ижтимоий -иқтисодий ривожланишида юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда. Пировардида макроиқтисодий барқарорлик асосида юрт тинчлиги, ватан равнақи ва халқ фаровонлиги таъминланмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатнинг ўтган 2015-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларини хусусида тўхталиб "...ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга"¹ ошганлигини, "2015-йилда амалга оширган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсири берганлигини қайд этиб ўтди.

Мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожланишида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг кўламли ислохотларни амалга оширилиши, мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш эвазига эришилмоқда.

Мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожланиши аввало ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнатни ташкил этиш ва шу асосда юксак меҳнат натижаларига эришишга боғлиқ. Меҳнат унумдорлигини ошиб бориш қонуни ижтимоий тараққиёт қонуни бўлиб, у кишилиқ жамиятининг қандай формацияда яшашидан қатъий назар амалий аҳамият касб этади. Шундай экан, фақат инсон ўзининг онгли фаолияти билан маҳсулотларни яратадига хизматларни амалга оширади. Бироқ ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, ишга солинмаган резервларимиз талайгина. Мақсадимиз ресурслар бирлигидан янада самарали фойдаланиш эвазига ижтимоий иқтисодий ривожланишни таъминлаш

Шу сабабли меҳнатни оқилона ташкил этиш ва нормалаш, уни мақсадга мувофиқ сарфлаш, бекордан-бекор исроф бўлишига йўл қўймаслик ва шулар асосида ишлаб чиқаришнинг, хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитидаги муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир.

Битирув малакавий ишининг мақсади; Ҳудуд хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг назарий илмий аҳамиятини аниқлаш, ишлаб чиқаришда таъсир қилувчи омилларини ўрганиш, фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ва қишлоқ хўжалигини ижтимоий иқтисодий ривожланишини истиқбол йўналишларини илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборатдир.

Кузланган мақсадга эришиш учун биз куйидаги **вазифаларни** бажаришни режалаштирганмиз;

¹ Каримов И.А. "Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир" халқ сўзи газетаси 2016 йил 17-январь

- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг назарий-илмий асосларини аниқлаш
- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш
- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш.
- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичларини белгилаб олиш.
- ✓ Иқтисодиёт либераллаштириш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришлари омилларини таҳлил қилиш
- ✓ Фермер хўжалигини ташкил этилиши тарихи ва ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиши аниқлаш
- ✓ Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш асосида маҳсулот етиштириш динамикаси ўзгаришларини таҳлил қилиш

- ✓ Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўллари ишлаб чиқиш
- ✓ Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда давлатнинг ролини белгилаб бериш
- ✓ Фан техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлиги таъминлашнинг муҳим омили сифатидаги таъсирини ўрганиш
- ✓ Меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни оқилона ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шarti эканлигини кўрсатиб ериш
- ✓ Назарий амалий таҳлилий натижаларга асосланиб хулосалар яшаш ва илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш

Битирув малакавий ишининг объекти; Кашкадарё вилояти Касби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалиги

Битирув малакавий ишининг предмети; Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги ижтимоий иқтисодий муносабатлар тизими

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари куйидагилардан иборат:

- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг назарий-илмий асослари аниқланди
- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти ўрганилди
- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришга таъсир этувчи асосий омиллар аниқланди
- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари белгилаб олинди
- ✓ Иқтисодиёт либераллаштириш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришлари омиллари таҳлил қилинди
- ✓ Фермер хўжалигини ташкил этилиши тарихи ва ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиши аниқланди
- ✓ Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш асосида маҳсулот етиштириш динамикаси ўзгаришларини таҳлил қилинди
- ✓ Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўллари ишлаб чиқилди
- ✓ Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда давлатнинг роли белгилаб берилди
- ✓ Фан техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлиги таъминлашнинг муҳим омили сифатидаги таъсири ўрганилди

- ✓ Меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни оқилона ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги кўрсатиб берилди
- ✓ Назарий амалий таҳлилий натижаларга асосланиб илмий хулосаларга келинди ва илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асоси. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика Президенти И.А.Каримовнинг илмий асарлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий асарлари битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлиги, вилоят, туман, ва айрим олинган қорхона ташкилот, муассасаларнинг статистик маълумотлари битирув малакавий ишининг амалий асосини ташкил қилади.

Битирув малакавий ишини бажаришда диалектика қонунига асосланди ва таҳлилнинг индукция ва дедукция ва бошқа усулларидадан фойдаланилди.

Илмий ишнинг тузилиши ва хажми. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг хажми кулёзма шаклида ... бетдан иборат.

1.боб. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг назарий-илмий асослари

1.1. Қишлоқ хўжалмиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти

Бозор муносабатлари иқтисодиётининг ҳамма жабҳаларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олади. Мазкур тизимда аграр муносабатлар алоҳида ўрин тутади.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради. Ернинг товарга айланиши ерга хилма-хил мулкчиликнинг пайдо бўлиши ернинг тадбиркорлик объекти бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши ниҳоят ер учун пул шаклида рента ундирилиши, агробизнеснинг махсус фаолият турига айланиши бозор тизими билан боғлиқ. Ердан ташқарида ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги учун ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини ўтайди, маълумки, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш икки ёклама характерга эга: биринчидан, иқтисодий жараён бўлса яъни инсон меҳнати натижасида юз берса, иккинчидан, табиий биологик жараён бўлиб, маҳсулот етиштириш табиий омилларга масалан, ўсимлик ёки ҳайвонларда кечадиган биологик ўзгаришларга, иқлим шароитига, об - ҳавонинг қандай келишига, тупроқнинг табиий хоссаларига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатига бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари яхлитликда боришини талаб қилади ва иқтисодиётнинг аграр секторини ташкил этади.

Ер чекланган, уни ишлаб чиқариб бўлмайди, аммо фойдаланадиган ерларга инвестиция сарфлаб кўпайтириш мумкин.

Ўзбекситон иқтисодиётининг аграр секторини ривожлантириш бозор муносабатларига ўтишнинг асосий ҳал қилувчи бўғинидир. Қишлоқ хўжалиги республика аҳолисини озиқ-овқат, мева-сабзавотлар, ғалла, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланади.

Қишлоқ хўжалиги ўзининг маҳсулотини қайта ишловчи ва сотувчи соҳалар билан, ўзига керакли ресурсларни етказиб берувчи соҳалар билан интеграциялашади. Айтилган соҳалар яхлитликда амал қила бошлайди, қишлоқ хўжалиги ҳам саноат асосига, яъни энг мукамал технология замирига кўчирилади. Меҳнат унумдорлиги кескин ошиб, фаолият фойдаси кўпаяди. Қишлоқ хўжалиги биринчидан, аҳоли етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат билан, саноатни эса кафолатланган тарзда хом ашё билан таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш қонуни асосида амалга ошади. Бу ривожланишга эстенсив ривожлантириш ва интенсив ривожлантириш йўллари билан фойдаланган ҳолда эришилади.

Қишлоқ хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш деганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва самарадорликни ўсишини миқдорий омиллар эвазига - янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириш, чорва молларини бошини кўпайтириш ва қўшимча ишловчиларни жалб этиш орқали эришилиши тушунилади. Бунда ишлаб чиқариш ресурслари кўламларининг ортиши юз бергани ҳолда техника технологияси, сифат даражаси, ер унумдорлиги ва чорва моллар маҳсулдорлиги тубдан ўзгармайди.

Экстенсив омиллар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Одамлар ўз тарихининг дастлабки даврлардан бошлаб, ўзлари ўзлаштирган ерларни тарк этиб унумдор ерларни қидириш учун ер шарининг ҳар томонига тарқалганлар. Янги ерларни ўзлаштириш ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимиздаги каби дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам давом этмоқда. Шу билан биргаликда дунё мамлакатларининг ривожланиш тарихи тажрибаси шуни

кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни нисбатан самардорлик ва аҳамиятироқ шакли бўлган интенсифлаштириш муҳим ўрин тутди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсиф шаклида- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши сифат омиллари эвазига, яъни ишлаб чиқаришга нисбатан такомиллашган замонавий ишлаб чиқариш ресурсларини тадбиқ этиш (улардан тўла ва самарали фойдаланиш), деҳқончилик ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этувчи илғор технология, илмий-техника тараққиёти натижалари, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усуллари жорий этиш орқали амалга оширилади. Шунинг ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив шакли баъзи ҳолларда самарали бўлиши мумкин, шунга мувофиқ ҳар доим экстенсив шаклни самарасиз деб таъкидлаш фикри ўзини оқламайди. Амалда бу икки йўл ишлаб чиқаришни ривожланишида бир-бирини тўлдириб, пираворида умумий иқтисодий самардорликни орттиришга олиб келади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида айрим ҳолатларда экстенсив ўсиш омиллари ва интенсиф ўсиш омилларини биргаликда қўллаш натижасида самарага эришилади. Улар ягона хўжалик фаолиятига хос усуллар бўлиб, бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсишда ҳам миқдорий (экстенсив), ҳам сифат (интенсив) жиҳатлари мавжуд бўлади, аммо уларнинг нисбати ҳар хил мутаносибликда бўлади. Иқтисодиётда қўл меҳнати технологияси ва малакасиз иш кучига асосланган, экстенсив ўсиш устун туради. Аксинча, ишлаб чиқариш машиналашган, серунум технология ва юксак малакали иш кучига таянган жойда интенсиф ўсиш биринчи ўринда туради, ишлаб чиқариш ривожланган сари қонуниятли тарзда интенсиф ўсишнинг аҳамияти барқарор ошиб боради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсифлаштириш назарияси авваломбор ер хусусиятини ҳисобга олиш, уни қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси эканига асосланади. Маълумки ерни асосий восита сифатида муҳим хусусиятларидан бири уни чегараланганлигидир. Ерни чегараланганлиги ўз навбатида қишлоқ хўжалигини интенсифлаштиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни кўшимча ер майдонларини ўзлаштириш орқали амалга ошириш чегараланганлиги ишлаб чиқариш олдига мавжуд ўзлаштирилган ерларни сифатини яхшилаш, бинобарин, улардан интенсиф фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

1.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсифлаштиришга таъсир этувчи асосий омиллар.

Қишлоқ хўжалиги интенсифлаштириш - кўп жиҳатли жараён бўлиб, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни интенсифлаштиришда қуйидаги омиллар муҳим ҳисобланади:

1). Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришни бирламчи масалаларидан бири хўжаликда иқтисодий муносабатларини ўзгартириш, деҳқонларга кам харажатлар сарфлаган ҳолда кўплаб сифатли маҳсулот етиштиришга интилиш ҳиссиётига эга бўлган ернинг ҳақиқий эгалик ҳуқуқини яратиш. Қишлоқ ларга мустақил ҳаракат этиш, тадбиркорлик ва ташаббускорликни амалга оширишга замин ярата оладиган хўжалик юритишнинг турли мулкчиликка ва шаклига асосланган муҳитни яратиш.

2). Етиштирилган маҳсулотларни асраш, уни нобудгарчилигини олдини олиш. Қишлоқ хўжалигини мавсумийлик хусусиятига мутаносиб ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шакллари кенг ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришда сақлаш, қайта ишлаш шохобчаларини яратиш. Маҳсулотларни нобудгарчилигини олдини олиш билан бир қаторда уларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш.

3). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш. Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш асосида ернинг унумдорлигини ошириш орқали деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар ётади:

а) Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишга қаратилган минерал ўғитларни қўллаш тадбирлари;

б) Кимёвий воситалардан бегона ўтларга қарши курашиш тадбирлари;

в) Ўсимлик ва чорва молларининг зараркунанда ҳашоратлари ва касалликларига қарши курашишда кимёвий воситалардан фойдаланиш тадбирлари;

г) Чорва молларини тўйимлигини оширишда кимёвий маҳсулотларни кенг қўламда қўллашга қаратилган тадбирлар;

д) Қишлоқ хўжалиги чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишда қўшимчалардан фойдаланиш.

4) Мелиорациялаш - суғориш, зах қочириш, ерни оҳаклаш, шўрни ювиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш тадбирлари;

5) Ресурс талабчанлиги кам бўлган интенсив технологияларни қўллаш. Деҳқончиликда мавжуд технологияларни такомиллаштириш муҳим бўлиб, уларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) Илмий асосланган ўғит меъёрларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларининг озуқа талабчанлигини оптималлаштириш;

б) Қишлоқ хўжалик экинларини интенсив навларини ишлаб чиқаришга тадқиқ этиш;

в) Ердан ва бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланишни кўзда тутган ўсимликларни жойлаштиришнинг рационал усулларини ишлаб чиқиш;

г) Қишлоқ хўжалик машиналарини такомиллаштириш орқали агротехника тадбирларини амалга оширишни қисқартириш ва қўшиб олиб бориш;

д) Маҳсулотларни йиғиш, ортиш ва ташишдаги тадбирларни такомиллаштириш.

б) Чорва молларининг таркиби сифатини ва уларнинг озуқа базасини яхшилаш. Чорвачиликни интенсивлаштиришнинг муҳим омили пода ҳаракати ва сифатини яхшилаш ҳисобланади. Бунга юқори маҳсулдор моллар наслларини яратиш билан боғлиқ тадбирлар киради. Чорвачиликни ривожланишида унинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш муҳим бўлиб, озуқа таркиби, қўлами ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар;

7) Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш. Фан-техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви тинимсиз юксала боради. Шу билан бирга иқтисодий асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчамлари, уларни меҳнатга мувофиқ ихтисослашувига, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини кўтаришга, фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ этилишига замин яратилиб, натижада маҳсулот етиштиришни самарадорлигини оширишга эришилади.

8) Мутахассисларнинг малакасини ошириш. Қишлоқ хўжалигига фан ютуқларни тадбиқ этишда кадрларни мутахассислик савиясини ва техник тайёргарлик даражасини оширмай туриб эришиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида мутахассисларни малакасини ошириш биринчидан, мутахассисларга мураккаб ва илғари амалга ошира олмаган ишларни бажариш учун уларни малакасини ошириш ва қўшимча касбларни эгаллашига замин яратиш, иккинчидан нисбатан юқори сифатга эга бўлган маҳсулот олиш, учинчидан маълум бир вақт оралиғи давомида аввалдагидан кўпроқ маҳсулот қўламини етиштириш ёки хизматлар ҳажмини бажаришга имкон яратиш;

9) Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини тадбиқ этиш. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш суръатларини ошириш ва унинг самарадорлигини кўтаришда фан ютуқлари натижаларини тадбиқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фан-техника соҳаларидаги ютуқлар ишлаб чиқариш кучларини янада юксалтирувчи муҳим омил бўлиб, ишлаб чиқариш ресурслари қаторида ишлаб чиқариш жараёнларида иштироқ этади. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда амалиётда мавжуд бўлган илғор тажрибалар натижасини таҳлил қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ қилиниши катта аҳамият касб этиб, маҳсулот қўламини кўпайишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

1.3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш масалаларини ўрганишда интенсивлик ва интенсивлаштириш даражаси, интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги тушунчаларини бир-бирдан ажрата билиш лозим.

Интенсивлик - бу қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини маълум вақт ичида ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада таъминланганлигини акс эттиради.

Интенсивлаштириш даражаси - қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини холисона ўсиш суръати даражасини ўзида акс эттиради.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги -экин майдони бирлиги ҳамда чорва моли боши ҳисобига ўсишни ўзида акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражаси натура ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Натурал кўрсаткич ёрдамида хўжаликдаги тармоқлар ва уларни бир-бирлари билан қанчалик боғланганлиги ҳамда айрим тармоқчалар ва экин турлари бўйича қанча маҳсулот етштирилганлигини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи натурал кўрсаткичлар куйидагилардан иборат:

1). Ер майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати. Бу кўрсаткич ҳар 100 гектар ер майдонига қанча техника воситалари, автомашина ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тўғри келишини кўрсатади;

2). Ҳар гектар экинзорга тўғри келадиган менерал ва маҳаллий ўғит. Бу кўрсаткич ернинг иқтисодий унимдорлик даражасига таъсир этиш кўламини ўзида ифода этади;

3). Ер фондида экин майдонлари ҳиссасини кўпайтириш. Бу кўрсаткич ердан қай даражада фойдаланилаётганлигини кўрсатади;

4). Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий ер майдонига нисбати. Бу кўрсаткич тупроқнинг иқтисодий унимдорлиги ўсиш даражасини ифодалайди.

Чорвачиликнинг интенсив ривожланганлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

1. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган қиймат кўринишдаги жонли ва буюмлашган меҳнат сарфи. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига қанча кўп ишлаб чиқариш воситаларига ва бевосита меҳнат харажатлари тўғри келса, қоидага мувофиқ ундан олиннадиган маҳсулот миқдори ҳам шунча юқори бўлади;

2. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган озуқа. Чорва молларини илмий рацион асосида озиклантириш уларнинг маҳсулдорлигини ортишига олиб келади;

3. Чорвачиликни юритиш маданиятини кўтариш: махсус қулайликларга эга бўлган чорва биноларини барпо этиш, иш жараёнларини механизациялаштириш ва электрлаштириш, санитария ва гигиена шароитларини яхшилаш ва бошқариш;

4. Чорвачиликда наслчилик билан боғлиқ ишларни яхшилаш. Чорва молларининг насли қанча юқори бўлса, ундан олинган маҳсулот миқдори ҳам шунча бўлади;

5. Мутахассисларнинг малакасини ошириш, у меҳнат унимдорлигининг ўсишига таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичи сарфланган меҳнат ва маблағ эвазига қанча сўмлик қўшимча маҳсулот етиштирилганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичлари куйидагилардан иборат:

1. Бир гектар ер майдонига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амортизациядан ташқари). Бу кўрсаткич куйидаги ифода ёрдамида аниқланади.

Иф+Ис

ИД = -----

Е

бунда: Ид- интенсивлик даражаси,
Иф- асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати,
Ис- жорий ишлаб чиқариш сарфи,
Е- ер майдони

Интенсивлик даражаси кўрсаткичи қишлоқ хўжалигининг қай даражада интенсив ривожланганлигини ўзида акс эттиради;

2.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер майдони ҳисобига қанча ишлаб чиқариш воситалари тўғри келишини ўзида акс эттиради;

3.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер ва ҳар бир қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинган маҳсулот учун бевосита сарфланган харажатлар миқдорини ўзида ифода этади;

4.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жонли меҳнат сарфи. Бу кўрсаткич маҳсулот етиштиришда сарфланаётган жонли меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Шундай қилиб, интенсивлаштиришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида интенсивлашнинг иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобланади. Интенсивлаштириш жараёни нафақат бир гектар ерга ёки бир бош молга қўшимча маблағнинг ўсишини билдириб қолмасдан, балки улардан самарали фойдаланишни ҳам билдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган харажатлар ҳажмига таққослаганда ҳар бир гектар ердан арзон ва юқори сифатли маҳсулотни юқори суръатда олишда ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан фаол фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ер участкасига, ҳар қандай ҳажмда, ҳар қандай капитални қўйиш мумкин, лекин бу ўз-ўзидан маълумки, агар шу мамлакатда шу пайтда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқа шароитлар мавжуд бўлишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар оқилона сарфланиши керакки, бунда хўжалик ҳар бир бирлик харажатга кўпроқ маҳсулот ва максимум фойда олиши керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Улар орасида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилар:

- бир гектар ер майдонга тўғри келган ялпи маҳсулот

ЯМ

Си = -----

ЕМ

Си- интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм/га;

ЯМ-ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

ЕМ-ер майдони, га.

Хўжалик ялпи маҳсулоти таққослама баҳоларда баҳоланади. Бундай баҳоланиш ушбу кўрсаткични динамикада, шунингдек бир хил шароитда ишлайдиган қатор хўжаликлар фаолиятини таққослашни ўтказишда фойдаланиш имконини беради. Ҳосилдорликнинг ошиши ва бир вақтнинг ўзида унга сарфланган таннархнинг пасайиши интенсивлаштириш самарадорлигининг юқори даражада эканлигини билдиради. Бундай ҳолатда ерга сарф қилинган ҳар бир сўм нафақат харажатларни қоплайдиган қўшимча маҳсулот олиб келмасдан, балки қўшимча соф даромад олиш имконини ҳам беради:

- бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган ялпи даромад:

$$C_{и} = \frac{YД}{EМ}$$

бу ерда ЯД - ялпи даромад (соф маҳсулот), сўм

Бу кўрсаткич анча такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларида, илғор технологияда, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори нави ва моллар зоти ҳамда бошқаларда бажарилган, қўшимча маблағлардан оқилона фойдаланишни акс эттиради.

-бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган соф даромад ёки фойда:

$$C_{и} = \frac{CД}{EМ} \quad \text{ёки} \quad \frac{Ф}{EМ}$$

бу ерда СД- соф даромад, сўм:

Ф- фойда, сўм

Бу кўрсаткич алоҳида аҳамиятга эга. Модомики, соф даромад қўшимча қўйилмаларнинг асосий манбаи ҳисобланар экан, у ҳолда келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш унинг ҳажмига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириш қўшимча маблағларнинг юқори, тез қайтарилишига ва мос равишда соф даромаднинг ўсишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, шунингдек куйидаги кўрсаткичлар билан ҳам характерланиши мумкин:

-бир бирлик меҳнат харажатлари ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад) ҳажми:

$$C_{и} = \frac{YМ}{MХар} \quad \text{ёки} \quad \frac{YД}{MХар} \quad \text{ёки} \quad \frac{CД}{MХар}$$

бу ерда: МХар - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари, киши/соат;

-бир сўмлик асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад):

$$C_{и} = \frac{YМ}{AсФ+АйФ} \quad \text{ёки} \quad \frac{YД}{AсФ+АйФ} \quad \text{ёки} \quad \frac{CД}{AсФ+АйФ}$$

бу ерда АсФ - асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати, минг сўм;

АйФ - айланма фондлар қиймати, минг сўм.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир гектар ердан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўпайишида, маҳсулот бирлигига сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларининг пасайишида ўз аксини топади.

2.боб. Иқтисодиёт либераллаштириш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришлари омиллари таҳлили

2.1. Фермер хўжалигини ташкил этилиши тарихи ва ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиши

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий шароити таҳлил этилаётганида унинг жойлашган ери, туман ва вилоят марказига, темир йўл станциясига, маҳсулот топшириладиган ва сотадиган омборга яқин-узқлиги эътиборга олинади. Ер-сув, меҳнат ва моддий-техника ресурслари, тураржой, маданий-маиший бинолар билан таъминланганлиги, уларнинг газлаштирилганлик ва телефонлаштирилганлик даражаси ўрганилади. Чунки айни шу омиллар кўп ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконини беради; шаҳар аҳолисининг арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, қишлоқ хўжалик корхоналарида ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларини ривожлантиришга шароит яратади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда юк ташиш шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Улов воситалари талаб доирасида бўлмаса, сут, сабзавот, картошка ва сифати тез бузиладиган бошқа маҳсулотларни ўз вақтида манзилга етказиб бериш ва сотиш қийинлашади. Маҳсулот сифати бузилиши натижасида корхона иқтисодий зарар кўради.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида меҳнат унумдорлиги юқори бўлишини таъминлаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бусиз тармоқда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, таннархини арзонлаштиришга эришиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун, аввало, ички хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш лозим. Ўз харажатларини ўзи қоплаш бирламчи ишлаб чиқариш бўлимлари даражасида амалга оширилиши зарур.

Республикамызда бозор иқтисодиётининг шаклланиши қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни тақозо этди.

Жамиятда қишлоқ хўжалиги объект сифатида қатор хусусиятларга эга. Хусусан, қишлоқ хўжалиги меҳнатида ўзига хос ишлаб чиқариш воситаси сифатида ердан фойдаланилади, меҳнат сифатига алоҳида муносабат талаб қилинади. Қишлоқ хўжалигида ишчи иш тажрибасига эга бўлиши ўта муҳимдир. Аграр секторнинг иккинчи муҳим хусусияти шундаки, унинг ижтимоий таркиби ўзига хос. Бу ерда бозор иқтисодиёти шароитида турли иқтисодий муносабатларга хос шакллардаги хўжаликлар фаолият юритади. Бундай шароитда, яъни ишлаб чиқариш ва бошқарув шакллари ўртасидаги соғлом муҳит хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги хўжалик юритиш амалиётида мулкчилигининг янги шакллари юзага келади. Хусусан, мулк давлат тасарруфидан чиқарилиши туфайли мулкчиликнинг турли шакллари шаклланиб, самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда «Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг 2004-2006 йилларга мулжалланган концепциясига» асосан усимликчиликка ихтисослашган барча ширкатлар тугатилиб унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб битирув малакавий иши объекти сифатида олинган «Темир ота» фермер хўжалиги фаолиятини ўрганиш натижасида қуйидаги маълумотлар олинди.

Қасби туман хокимининг 2005 йил 12 мартдаги Х-232/12 сонли қарорига асосан тумандаги «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Отаев Улаш бобо» фермер хўжалиги ташкил этилди. Фермер хўжалиги туғрисидаги қонуннинг 32-моддасига асосан фермер хўжалигига туман захира ер фонди ҳисобидан 38-гектар ер усимликчиликка (пахта, галла) ихтисослашган, 2005 йил 12 март кунидан эътиборан узок муддатли(49 йил) ижара шартномаси тузиш орқали берилган .

Фермер хўжалиги узининг думалок ва турт бурчакли муҳри, туман солиқ инспекциясига Инн рақами ва банк реквизитларига эга. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ва фермер хўжаликлари кенгаши фермер хўжалигининг юқори ташкилоти ҳисобланади.

2008 йил 29 апрел кундаги “Фермер хужалиklarининг ер майдонларини оптималлаштириш” тугрисидаги Президент карорига асосан жойларда фермер хужалиklари ер майдонларини кайта куриб чикиш, макбуллаштириш ишлари олиб борилди ва шунга асосан, Касби туман хокимининг 2008 йил 10-ноябрь кундаги Х-2678/42 сонли карорига асосан “Отаев Улаш бобо” фермер хужалигига кушимча ер майдонлари ажратиб берилди.

Бироқ ер майдонларини бир бирдан узоклиги сув таъминотидаги муаммолар сабаб фермер хўжалигида меҳнатни ташкил этишда жиддий муаммолар келиб чикди. Оқибатда давлатга пахта, ғалла ва пилла маҳсулотлари топшириш буюрмалари бажарилмади. Фермер хўжалиги мутасаддилари юзага келган муаммони бартараф этиш мақсадида, ортиқча ер майдонларини туман захира ер фондига кайтариш тўғрисида туман хокимига мурожаат килди. Ортиқча ер майдонлари захирага кайтарилиб имконият доирасида ер майдонлари сақланиб қолинди ва уш бу ер майдони ҳозирги кунда 44,8 гектарни ташкил этади. Ер майдоналари ўлчами “Фермер хўжалиklари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тўла мос келади.

Фермер хўжалигида ҳозирги куннинг энг асосий муаммоларидан бири замонавий кишлок хужалик техникалари ва машиналари билан таъминлашдан иборатдир. Техникаларнинг етишмаслиги ёки мавжуд булган техникаларнинг ҳам иш самарадорлиги пастлиги сабабли куплаб кишлок хужалигида бажариладиган ишлар асосан кулда бажарилмоқда. Бу эса меҳнат сарфини ва маҳсулот таннархининг ошиб кетиши ва пировардида маҳсулот ракобатбардошлигини пасайишига сабаб булмоқда.

Лизинг ва кредит асосида етказиб берилаётган техникаларнинг харид бахолари ва фоиз ставкаларининг юкорилиги, ҳамда фермер хужалиklarининг тулов кобилиятининг пастлиги бу муаммоларнинг ечимини янада чигаллаштирмоқда.

Фермер хужалиklarини моддий ресурслар билан таъминлаш давлат томонидан амалга оширилмоқда. Яъни бунда фермер хужалиklarига давлат банки томонидан 3,0 фоизли кредит ресурслари ажратилган булиб, барча ишлаб чиқариш ресурслари 100,0 % олдиндан тулов асосида харид килинмоқда ва ишлаб чиқариш жараёнига сарфланмоқда.

2.2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш асосида маҳсулот етиштириш динамикаси ўзгаришлари таҳлили

Маълумки ер кишлок хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Бошқа тармоқ ва соҳаларда ер бирон бир мулкни куриш ўрнатиш сифатида фойдаланилса, кишлок хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари асосан ер ресурсининг ҳолатига тупроқнинг унумдорлиги ва бошқа ер ув ресурсларининг сифат хусусиятларига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ер ресурсларидан самарали фойдаланиш эвазигагина кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга эришиш, янада сифатли ва кенг ассортиментдагим маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш мумкин бўлади.

Касби тумани "Отаев Улаш бобо" фермер хўжалигининг ер майдонлари таркиби тўғрисида 1-жадвал

т/р	Ўзунинг мазмуни	ў/б	Йиллар			Ўзгариши %
			2013	2014	2015	
1	Умумий ер майдони	га	44,8	44,8	44,8	100
	Шу жумладан	га				
	Ҳайдалдиган ерлар	га	42,4	42,4	42,4	100
	сув ости ерлари	га	0,3	0,3	0,3	100
	коллектор ва дренажлар	га	1,4	1,4	1,4	100
	Йўллар	га	0,7	0,7	0,7	100

БМИ объекти бўлган фермер хўжалигини мавжуд ер ресурслари ва унинг таркибини 1-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилганимизда, хўжаликнинг умумий ер майдони 44,8 гектарни, шундан ҳайдаладиган ер майдони 42,4 гектарни қолган майдонларни эса сув ости ерлари, коллектор ва дренажлар, йўллар ва бошқалар ташкил этади. Таҳлилни ўз ичига олган давр мобайнида хўжаликнинг ер майдоналри таркибида бирон бир ўзгаришлар қайд этилмади.

Касби тумани "Отаев Улаш бобо" фермер хўжалигининг ер майдонларини экин турлари бўйича тақсимланиши 2-жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	Йиллар			Ўзгариши
			2013	2014	2015	%
1	Умумий ер майдони	га	44,8	44,8	44,8	100
	Шу жумладан					
	Ҳайдаладиган ерлар	га	42,4	42,4	42,4	100
	шундан;					
	ғалла	га	18	17	19	105,56
	пахта	га	24,4	25,4	23,4	95,90

2-жадвал асосида фермер хўжалигининг ер майдонларини экин турлари бўйича тақсимланишини таҳлил қилганимизда, хўжаликда асосан икки турдаги яъни пахта ва ғалла экинлари экилиши ва таҳлилни ўз ичига олган даврда ғалла экин майдоналрини ошиб борганлари пахта майдоналрини камайиб 95,9 фозни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабабаи дунёда рўй бераётган жаҳон иқтисодий инқирози ва аҳолини озиқ овқат хавфсизлиги, хусусан нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган давлат сиёсатининг ижроси сифатида қараш мумкин.

Фермер хўжалиги ғаллачилик тармоғида такрор ишлаб чиқариш жараёнларини 3-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиб кўрганимизда, хўжаликда экин майдонлари миқдори ошишига қарамадан бир гетар ер майдонидан олинadиган ҳосилдорлик камайиб кетганлигини, маҳсулотни соиш баҳоига нисбатан таннарх ва ишлаб чиқариш харажатлари кескин ошиб кетганлиги, натижада бир бирлик маҳсулотни етиштириш ва сотиш жараёнларидан олинadиган натижалар таҳлил даврида 70,0 фоизга тушиб кетганлиги ҳамда рентабеллик 54,27 фоизни ташкил этганлигини жадвал маълумотлари тасдиқлаб турибди.

"Отаев Улаш бобо" фермер хўжалигида ғаллачилик тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари таҳлили 3-жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	Йиллар			Ўзгариши
			2013	2014	2015	%
	ғалла	га	18	17	19	105,56
	ҳосилдорлик	ц/га	29,4	28,6	29,1	98,98
	ялпи ҳосил	цент	529,2	486,2	552,9	104,48
	жами и/ч харажатлари	м.с	17886,96	19156,3	24106,4	134,77
	1 центнер маҳсулот таннархи	м.с	33,8	39,4	43,6	128,99
	маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.с	19474,56	20858	25267,5	129,75
	Бир центнер маҳсулотни сотиш баҳоси	м.с	36,8	42,9	45,7	124,18

Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган натижа	м.с	3	3,5	2,1	70,00
молиявий натижа	м.с	1587,6	1701,7	1161,09	73,13
Рентабеллик даражаси	%	8,88	8,88	4,82	54,27

Куйидаги 4- жадвал асосида фермер хўжалигининг пахачилик тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини таҳлил қилиб кўрганимизда таҳлил даврида пахта экин майдони камайган бўлсада ҳосилдорликни ошиши ҳисобига ялпи ҳосилни ошиши таъминлаганлиги, ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари 113,09 фоизга ошган бўлсада, маҳсулот сотишдан тушадиган тушум ҳажми 118,26 фоизга ўсиши таъминлаганлигини кўришимиз мумкин.

Касби тумани "Отаев Улаш бобо" фермер хўжалиги пахачилик тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари таҳлили 4-жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			ўзгариши
			2013	2014	2015	%
	пахта	га	24,4	25,4	23,4	95,90
	ҳосилдорлик	ц/га	31,3	33,6	34,8	111,18
	ялпи ҳосил	цент	763,72	853,44	814,32	106,63
	жами и/ч харажатлари	м.с	82458,7	91245,8	93256,2	113,09
	1 центнер маҳсулот таннархи	м.с	107,97	106,92	114,52	106,07
	маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.с	83256,8	96458,7	98457,7	118,26
	Бир центнер маҳсулотни сотиш баҳоси	м.с	109,01	113,02	120,91	110,91
	Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган натижа	м.с	1,05	6,11	6,39	611,24
	молиявий натижа	м.с	798,1	5212,9	5201,5	651,74
	Рентабеллик даражаси	%	0,97	5,71	5,58	х

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, пахачиликда молиявий натижа 6,5 бробардан ортик, рентабеллик даражаси эса 5,5 баробардан ортик ўсганлигини, хўжаликда ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этилганлигидан, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш таъминланганлигидан далолатдир.

Касби тумани "Отаев Улаш бобо" фермер хўжалигида пилла маҳсулоти ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари таҳлили 5-жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			ўзгариши
			2013	2014	2015	%
	пилла курти	курти	7	6	6	85,71
	маҳсулдорлик	ц/га	0,49	0,48	0,49	100,29
	ялпи маҳсулот	цент	3,42	2,86	2,94	85,96
	жами и/ч харажатлари	м.с	1567,8	1486,7	1994,8	127,24

	1 центнер маҳсулот таннархи	м.с	458,42	519,83	678,50	148,01
	маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.с	1 631,27	1 846,99	2 133,85	130,81
	Бир центнер маҳсулотни сотиш баҳоси	м.с	476,98	645,80	725,80	152,17
	Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган натижа	м.с	18,56	125,97	47,30	254,85
	молиявий натижа	м.с	63,47	60,29	47,30	149,60
	Рентабеллик даражаси	%	4,05	24,23	2,37	58,54

Пилла хом ашёси етиштиришда ҳам давлат буюртмаси шакллантирилган бўлиб, кишлоқ хўжалигида ҳар бир хўжалик юритуви субъект уш бу фаолият билан шғулланиш мақсадида “Пилла” МЧЖ билан шартномалар имзолайдилар. Фермер хўжалиги таҳлил даврида пилла ялпи маҳсулоти 85,96 фоизга камайганлиги, ишлаб чиқариш харажатлари 127,24 фоиз, тушум 130,81 фоизга ўзгарганлигини, бир бирлик маҳсулот таннархи 148,01 фоизга, сотиш баҳоси эса 152,17 фоизга ўзгарганлигини қайд этиш мумкин. Молиявий натижа 149,6 фоизга ўсганлигига қарамасдан рентабеллик даражаси 58,47 фоизга ўзгарганлигини жадвал тасдиқлаб турибди.

Биз куйида фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини б-жадвал маълумотлари билан таҳлил қилганимизда, фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари 117,12 фоизга, маҳсулот сотишдан тушган тушум 120,60 фоизга, молиявий натижа яъни ялпи фойда эса 265,46 фоизга ўзгарганлигини қайд этиш мумкин. Бироқ давр харажатлари қоплагандан сўнг хўжаликда қоладиган фойда миқдор кескин камайганлиги, соф фойда миқдори асосан давлат томонидан қўллаб қувватлаш яъни молиявий кўмаклар асосида тўминлаганлигини кўришимиз мумкин.

"Отаев Улаш бобо" фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари таҳлили б-жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	Йиллар			Ўзгариши %
			2013	2014	2015	
	Жами маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	101913,46	111888,78	119357,44	117,12
	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.с	104 362,63	119 163,67	125 859,08	120,60
	Молиявий натижа, ялпи фойда ёки зарар	м.с	2 449,17	7 274,89	6 501,64	265,46
	Рентабеллик даражаси	%	2,40	6,50	5,45	х
	Асосий фаолият фойдаси	м.с	2 449,17	7 274,89	6 501,64	265,46
	Давр харажатлари	м.с	2 145,50	5 431,80	6 231,80	290,46
	Умумхўжалик фойдаси	м.с	303,67	1 843,09	269,84	88,86
	Солиқ тўлагунга қадар фойда	м.с	303,67	1 843,09	269,84	88,86

Давлат томонидан молиявий кўмак	м.с	5 518,40	5 962,80	5 884,90	106,64
Соф фойда	м.с	5 822,07	7 805,89	6 154,74	105,71

Фермер хўжалиги рентабелликни ўсиши таъминланганлиги ва таҳлил даврида ўсиш таъминланганлигини жадвал кўрсаткичлари асосида қайд этсакда рентабелликни жуда паст кўрсаткичларда таъминланиши хўжалик ишлаб чиқаришида ресурслар баҳосининг юқорилиги, тайёрланган маҳсулот ассортиментидagi сотиш баҳоларининг пастлиги уш бу холни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Касби тумани "Отаев Улаш бобо" фермер хўжалигида ишчи кучларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги ўзгариш омиллари таҳлили 7-жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			ўзгариши %
			2013	2014	2015	
	Фермер хўжалигида ўртача ишловчилар сони	киши	26	27	28	107,69
	Шу жумладан					
	пахтачиликда	киши	23	24	25	108,70
	ғаллачиликда	киши	3	3	3	100,00
	Ялпи маҳсулот қиймати	м.с	104 362,63	119 163,67	125 859,08	120,60
	Шу жумладан					
	пахтачиликда	м.с	83 256,80	96 458,70	98 457,70	118,26
	ғаллачиликда	м.с	19 474,56	20 857,98	25 267,53	129,75
	Меҳнат унумдорлиги	м.с/к	4 013,95	4 413,47	4 494,97	111,98
	Шу жумладан					
	пахтачиликда	м.с/к	3619,86087	4019,1125	3938,308	108,80
	ғаллачиликда	м.с/к	6491,52	6952,66	8422,51	129,75

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнларининг пировард натижаси ишчи кучларининг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Иш вақти ва ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш эвазигагина юқори ўсиш сурьатлари таъминланди, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш таъминланади.

Юқоридаги 7-жадвал маълумотлари асосида ишчи кучларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилаганимизда, ўртача ишловчи 107,69 фоизга ўсган бўлсада, ялпи маҳсулот қиймати 120,60 фоизга, меҳнат унумдорлиги эса 111,98 фоизга ўсиши таъминланганлиги, юқор ўсиш сурьатлари ғаллачилик тармоғига тўғри келаётганлигини жадвал маълумотлари кўрсатиб турибди.

3.боб. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўллари

3.1. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда давлатнинг роли

Бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт бўлар экан, бу ерда бозорда регулятори ва давлат регулятори қўшилган ҳолда ва биргаликда амал қилади. Бу ҳақда буюк иқтисодчи, инглиз олими Жон Мейнорд Кейнс таълимоти иқтисодиётда алоҳида ўрин тутати. Ж.Кейнс иқтисодиётни нормал ривожланиб туриши учун бозор механизми орқали тартибланиши кифоя қилмайди, чунки жами талаб ва таклиф мос келавермайди, шунинг учун давлат иқтисодиётга аралашishi зарур деб ҳисоблайди. Унинг фикрича давлат талабга таъсир этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, бу ҳол ишлаб чиқаришни кенгайтишига сабаб бўлади. Кейнс давлат - пул кредит сиёсати орқали жамиятни талабини қондириш ва аҳолини иш билан таъминлаш ғоясини илгари суради. Давлат кризисга қарши сиёсат ўтказишни, иқтисодий тушкунликни салбий оқибатларини тугатиш каби масалаларни ҳал қилади дейди. Кейнс назариясининг асосий хулосаси куйидагилардан иборат эди: иқтисодиётдаги мувозант бузилиши хўжаликнинг ишдан чиқаради, давлат ўзининг иқтисодиётга аралашishдан иборат фаолияти орқали мувозанатларини тиклашда қатнашади, бу билан иқтисодиётни тартиблаш, унинг ўсишига имкон беради. Кейнсчилар бозор механизми давлат иштирокисиз иқтисодиётни тартибга солаолмаслигини атрофлича асослаб берганлар. Улар бозор механизми нуқсонларини давлат бартараф эта олади деб ҳисоблайдилар.

Ижтимоий ишлаб чиқариш, иқтисодиётда кўпчилик субъектларининг ўзаро боғланган фаолияти бўлиб, ихтисослашув натижасида ишлаб чиқариш функцияларини алоҳидалашуви юзага келади. Уларни бир-бири билан боғлаш, мувофиқлаштириш зарур бўлади. Бу ишни бозор механизми тўла бажара олмайди, бу вазифаларни давлат ўз зиммасига олади. Фирмалар ва ташкилотларни ўз манфаатлари доимо умумижтимоий манфаатларга тўғри келавермайди. Тадбиркорлик хатари бор экан, фирмалар давлат кўмагига муҳтож бўладилар. Давлат тадбиркорлик эркинлиги, бозор қоидаларига амал қилишини назорат қилади. Иқтисодётни давлат томонидан тартиблаш давлат ўз чора-тадбирларини ўзининг иқтисодий сиёсати орқали такрор ишлаб чиқаришга таъсир этишидир.

Давлат иқтисодиётни тартиблар экан макроиқтисодиётни фаолиятини рағбатлантириш орқали ишлаб чиқаришни барқарорлаш тиради, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Умумиқтисодий мувозанатга эришиш чораларини кўради, даромадни қайта тақсимлаш воситасида социал мувозанатни вужудга келтириш каби тадбирларни олиб боради. Иқтисодиётни тартиблаш тўртта шаклда юз беради: қонун чиқариш; солиқ солиш; кредитга таъсир этиш; субсидиялар бериш. Бу ишлар билан давлатнинг махсус маҳкамалари, қонун чиқарувчи органлари шуғулланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мулк соҳиби ва тадбиркор сифатида ҳам иш олиб боради. Давлат мулки маълум меъёрда бозор шароитида сақланиб қолади. Давлат ўзига тегишли корхона ва ташкилотлар иқтисодий ҳаётида фаол қатнашади. Шунингдек иқтисодиётда шундай соҳалар бўладик, бу соҳага тадбиркорлар пул сарфлашлари қулай бўлмайди, чунки ундан фойда олиб бўлмайди, сарфи ўзини оқламайди, катта пул талаб қилинади. Иш ўта хавfli ҳисобланади. Бундай шароитда катта пул сарфи хатарини давлат ўз зиммасига олади. Давлат халқ кўлидаги даромадларни олиб хатарли бўлса ҳам умумжамият миқёсида зарур бўлган соҳага сарфлайди (ёқилғи, саноати, энергетика, темир йўл транспорт, алоқа, металлургия, космик саноати каби). Сарф ҳаражатларни давлат солиқ ундириб олиш орқали қоплайди.

Давлат тадбиркорлиги чексиз эмас, у маълум вақтда амал қилади. Маълум технология шароитида хусусий капитал учун қулай булмаган корхоналар даражасида бўлади. Технология ривожланиб серчиқим соҳаларда яхши фойда берадиган бўлса, у тасарруфидан чиқиб хусусий корхоналарга айланади.

Давлат истемолчи сифатида бозорга таъсир этади. Давлат буюртма бериб, керакли товарларни қатъий баҳода сотиб олади. Давлат буюртмасини бажариш фирмалар учун қулай ишга айланади, чунки товарлар сотилиши билан фойда олиш кафолатланади.

Бозор тизимида давлат иқтисодий воситаларни қўллаш орқали ишлаб чиқаришга ва истеъмолга таъсир қилади. Солиқлар давлат бюджети орқали ишлаб чиқаришни ўсиши ва қисқаришини таъминлайди. Истикболли, янги технологияни жорий этиш учун давлат уни қўлловчи корхоналарни солиқлардан озод қилади ёки қисқартиради. Давлат солиқ сиёсати орқали ишлаб чиқариш таркибини ўзгартиришни рағбатлантиради.

Давлат иқтисодиётини тартиблашда бюджет маблағларидан фойдаланади. Субсидия бериш орқали амалга оширади. Субсидия давлат бюджетидан тадбиркорларга аниқ мақсад йўлида ишлатиш учун бериладиган маблағларидир. Субсидия давлатнинг молиявий ёрдами бўлиб, бюджетга қайтариб берилмайди.

Давлат пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартириш борасида монетар сиёсатни олиб боради. Давлат антиинфляция тадбирлари билан ҳам иқтисодиётга аралашади, яъни инфляцияни юмшатиш учун иш ҳақи ва нархларни тутиб туриш, “музлатиб қўйиш” йўли кабилардир.

Давлат иқтисодиётини тартибловчи воситалардан яна бири давлат томонидан иқтисодиёт келажагини олдиндан таъминлаш (прогнозлаш) ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, ҳаётга тадбиқ қилишдир.

Сиёсий раҳбарлик органи бўлган давлат жамиятнинг иқтисодий вазифаларини ҳам бажаради.

Давлатнинг биринчи вазифаси - хўжалик юретишнинг субъекти сифатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жамият аъзоларини фаровонлигини ошириш, уларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида жамоа хўжалигининг бўғинларини такомиллаштиришга ёрдам беришдир.

Иккинчи вазифаси - корхоналар, бирлашмаларнинг иқтисодиётини бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик системасидан, бошқарувни иқтисодий усулларига ўтишни таъминлаш. Бунда корхона, хўжаликларни мустақиллигини таъминлайди. Улар ишлаб чиқаришда эркин фаолият қиладилар, ҳар бир меҳнат ходимининг ва жамоанинг аҳволи меҳнат натижаларига боғлиқ бўлиб қолади. Шунингдек баҳолар, молиявий воситалар ва солиқлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Учинчи вазифаси - хўжалик юретишнинг барча субъектларининг иқтисодий ҳатти-ҳаракати қоидаларини белгилашдир. Бу вазифа қонун чиқарувчи органлар орқали бўлади.

Давлат хўжалик юретишдаги қонунлари иқтисодий муносабатларни ифодалайди ва фаол бўлади. Агар ҳуқуқий қонунлар эскириб қолса, улар ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилади. Янгилари эса, тараққиётга ёрдам беради.

Давлат мулкчиликка, тадбиркорликка, тижорат ишларига, молия кредит фаолияти ва бошқаларга оид қонунларни ишлаб чиқади ва жорий этади. Бозор муносабатларининг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади. Турли мулк шакллари дахлсизлиги таъминланади, монополияларга йўл берилмайди, эркин рақобатга шароит яратилади. қонун бузарларга катта жарима солинади, уларни корхоналари ёпиб қўйилади. Хатто жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистонда мулк, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият. валюта тартиби, кредит, банк тизими, ер кодекси, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги, кооператив (ширкат) хўжалиги каби қонунлар қабул қилинганки, булар иқтисодиётни тартиблашни ҳуқуқий қоидаларини белгилайди

3.2. Фан техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлиги таъминлашнинг муҳим омили сифатида

Фермер хўжалигини интенсивлаштириш, унинг йўналишига, суръатига ва самарадорлигига таъсир кўрсатадиган кўп омилларга боғлиқ. Фермер хўжалигини интенсивлаштиришда муҳим омил фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўлиб, у ўз таркибига нафақат машина техникасидаги тараққиётни, балки

ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш технологиясидаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларидан фойдаланишни ҳам киритади.

Тупроққа ишлов беришни яхшилаш, қўшимча органик ва минерал ўғитлар солиш, мелиоратив ишларни ўтказиш, барча комплекс агротехник тадбирларни бажариш тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришга имкон беради.

Фермер хўжалигини интенсивлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари куйидагилар:

- а). фермер хўжалигида фан-техника тараққиётини ривожлантириш;
- б). фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида инвестиция ва капитал қўйилмаларнинг ўсиши;
- в). фермер хўжалиги моддий техника базасини мустаҳкамлаш.
- г). ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш даражасини ошириш;
- д). фермер хўжалигини кимёлаштиришни ривожлантириш (минерал ўғитлар солиш ва кимёвий ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш)
- е). фермер хўжалигини мелиорациялаш (суғориш, захини қочириш, бошқа ишларни ривожлантириш)

берувчи кучнинг иқтисодий потенциалидан фойдаланилади.

- ж). фермер хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

Интенсивлаштиришни изчиллик билан амалга оширишнинг муҳим шарти фермер хўжалигига ажратилган капитал қўйилмаларнинг ўсишидир. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни аста-секинлик билан саноат асосига ўтказишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигини устувор даражада ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак. Тармоқнинг моддий-техника ресурслари шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига ва унинг даражасига бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим. Бу ўринда таъкидлаш керакки, фан ривожланиши натижасида шу давргача бўлмаган мутлақо янги фан – «Моддий-техника ресурслари» ҳам яратилиши мумкин. Бу жараён фан-техника инқилобидан далолат беради. Демак, фан-техника тараққиёти инқилоби - интеллектуал онг ривожланишининг маҳсулидир. Бунинг учун интеллектуалларни тайёрлайдиган таълим, ихтирочилик тизимини янги босқичга кўтариш тақазо этилади. Улар қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қулай ва самарали машина, трактор, механизм, ускуналар яратилишини, мавжудлари такомиллаштирилишини, серхосил, тезпишар экин навлари, сермаҳсул чорва зотлари, илғор технологияларни яратадиган фанларнинг, фан-техника, технология ривожланишини таъминлайди. Натижада моддий-техника ресурсларининг миқдори ошади, сифати яхшиланади.

Бу жараённи республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, фан-техникани тараққий эттириш йўлидан борилаётган Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун қишлоқ хўжалик машинасозлик саноати корхоналарида янги, сифатли ҳайдов, ишлов берувчи тракторлар, пахта терадиган машиналар, кимё саноатида полиэтилен қувурлар, плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Ёмғирлатиб, тупроқ остидан, томчилатиб суғориш учун янги самарали техникалар барпо этилмоқда. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида самарали, илғор технологиялар жорий этилишини таъминлайди.

Фан-техника тараққиёти ягона давлат сиёсати асосида кечиши, бу жараёнда қатнашувчиларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ҳам уйғунлашиши лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий мақсади янги, самарали қишлоқ хўжалик техникаларини, экологик талабларга жавоб берадиган кимёвий воситаларни, янги навларни, зотларни яратиш, мавжуд воситаларни такомиллаштириш, меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган

маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш орқали аҳоли, корхоналар ва ниҳоят, давлатнинг иқтисодиётини юксалтиришдир.

Фан-техника тараққиёти қишлоқ хўжалигида қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- янги ерларни комплекс ўзлаштириш, зах ва шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув билан таъминланиш тадбирларини амалга оширадиган ишлаб чиқариш воситаларини яратиш, такомиллаштириш;
- тезпишар, кам сув талаб этадиган, сифатли ва серҳосил уруғ навларини, сермаҳсул чорва зотларини яратиш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида амалга ошириладиган барча иш жараёнларини автоматлаштириш, электрлаштириш, кимёлаштириш ҳамда механизациялаштиришни таъминлайдиган воситаларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигига сервис хизматларини кўрсатиш, тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг зарур миқдорини қайта ишлаб, сифатли сақлаб, истеъмолчиларга вақтида, яхши ҳолатда етказиб бериш қобилиятига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини шакллантириш;
- қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг эркинлаштирилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни яратиш ва уларни ҳаётга изчиллик билан жорий этиш;
- фан-техника тараққиёти натижаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига ўз вақтида жорий этиш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш, фаолият кўрсатаётганлари рағбатлантирилишини такомиллаштириш имкониятига эга бўлган механизмларни яратиш.

Фан-техника тараққиётининг шу йўналишлар бўйича амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларини яратиш, мавжудларини эса такомиллаштириш таъминланади.

Фан-техника тараққиёти натижасида яратиладиган моддий-техника ресурслари қишлоқ хўжалигида янги, самарали технология вужудга келиши, бу жараён ривожлантирилишини таъминлайди. Бу технологиялар иш жараёнларининг белгиланган муддатда, сифатли бажарилишига, меҳнат унумдорлиги ошишига ва харажатлар камайишига олиб келади.

3.3. Меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни оқилона ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарт

Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат рақобатбардошлигига эришишнинг асосий йўлларида бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш асосида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстиришдан иборатдир.

Маълумки, ҳар бир жамиятда унинг ҳар бир аъзоси яшаш, ўз оила аъзоларини боқиш, кийинтириш ва ҳоказо мақсадларни бекаму кўст амалга ошириш учун меҳнат қилиши керак. Ўз навбатида жонсиз (ўтмишдаги) ва жонли меҳнатлар мавжуд.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар орасида эркин рақобатга асосланган кураш кетади, чунки хоҳлаган иш ёки хизмат турлари биргина корхона томонидан эмас, балки бир қанча корхоналар томонидан эркин амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти даврида ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар орасида юзага келган рақобат хўжалик юритиш механизмларининг янада тараққий этиши, режалаштирилган мақсадларга ўз вақтида эришиш учун ҳаракатлантирувчи куч ҳам ҳисобланади.

Рақобатда енгиб чиқишнинг ягона йўли – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ёки кўрсатилган хизматнинг таннархини пасайтиришдир. Бунга эса, фақатгина илмий асосланган меҳнатни ташкил этиш натижасидагина эришилади.

Маълумки, меҳнатни ташкил этиш («ташкилот») тушунчасининг келиб чиқиши лотинча organiso-келишга шаклни маълум қиламан деган сўзлар билан боғлиқдир. Бу билан ташкил этиш, айна вақтда ўзида функцирғонал ва назарий жиҳатлардан муайян мақсадга эришиш ёки муайян вазифани ташкил қилиш тизимни яратиш ва такомиллаштириш соҳасида онгли фаолиятнинг жараёни ва натижасидир. Инсон фаолиятининг барча соҳаларида ташкил этишнинг роли ана шундан иборат бўлиб, бу ҳол ташкил этишга тадқиқот ва ишланмалар предмети сифатида эътиборни жалб этади.

Ўз навбатида, самарали меҳнатнинг таъминлашнинг муҳим шартларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “Барча ислохотларнинг иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат”²

Корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини, тайёрланган маҳсулотнинг ва кўрсатилган хизматнинг сифатини ошириш кўп ҳолларда ижрочиларнинг ўз меҳнат натижаларидан рағбатланганлик даражасига боғлиқ.

Асосий эътиборни одамларга қаратиш корхона манфаатларини камситиш деб тушунилмайди, чунки фақат одмларгина корхона муваффақиятини таъминлай оладилар. Буни учун улар барча керакли нарсалар билан таъмин этилган бўлишлари лозим.

Ишлаб чиқариш жараёни – бу, аввало меҳнат жараёнидан иборат бўлиб, у киши меҳнати, меҳнат предмети ва меҳнат воситаларини ўз ичига олади. Меҳнат – кишиларнинг маълум бир мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида улар табиатдаги мавжуд нарсаларни ўзгартириш, ўз эҳтиёжларига мослаштириш орқали моддий неъматлар ва маданий бойликлар яратадилар. Меҳнатнинг шу тариқа ифода топган моҳияти ҳар қандай кишилик жамиятида ҳам ишлаб чиқаршнинг асосий шarti бўлиб қолаверади.

Меҳнат предмети билан меҳнат воситалари биргаликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилади. Аммо ишлаб чиқариш воситалари ҳар қанча замонавий, ривожланган, такомиллашган бўлса-да, ҳатто жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб берса-да, ўз ҳолича ҳаракатга келмайди. Улар фақат ишчи кучи, яъни инсоннинг меҳнат қобилияти билан бирлашгандан сўнггина ҳаракатга келади, меҳнат жараёни амалга ошади, моддий неъматлар ишлаб чиқарилади ёки маълум хизматлар кўрсатилади. Меҳнат жарёни, яъни моддий неъматлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида кишиларнинг бевосита меҳнати муҳим роль ўйнайди. Демак, талабни қондира олиш қобилиятларига эга бўлган маҳсулотларни етиштириш, хизматларни бажариш инсоннинг жонли фаолияти билан меҳнат предметлари ва воситаларининг мақсадга мувофиқ боғланишига боғлиқ. Яъни, инсон меҳнати жорий боғланиш натижасида маҳсулот (хизмат)лар етиштирилади. Уларнинг сифати, миқдори бевосита ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ. Лекин инсон ва унинг онгли фаолияти бўлмаса, ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди, иш ёки хизмат бажарилмайди. Шундай экан, фақат инсон ўзининг онгли фаолияти билан маҳсулотларни яратади

Шу сабабли меҳнатни оқилона ташкил этиш ва нормалаш, уни мақсадга мувофиқ сарфлаш, бекордан-бекор исроф бўлишига йўл қўймаслик ва шулар асосида ишлаб чиқаришнинг, хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитидаги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Меҳнат жараёни таркибий қисмлари (усул ва услублар)нинг мураккаблиги ва хилма-хиллиги, уларнинг бажарилиш тартибини мустақил танлаш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятлари меҳнатнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритади.

Корхоналарда ходимлар меҳнат фаолиятининг энг самарали бўлишини таъминловчи атрофлича шароит яратиш мақсадида меҳнатни такомиллаштириш ва иш

² Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқрлаштириш йўлида” Тошкент “Ўзбекистон” 1996 йил

вақтидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида меҳнат унумдорлигини оширишни секинлаштирувчи ва тўхтатувчи омиллар ҳам мавжуд. Чунки, маҳсулот ишлаб чиқараётган, хизмат кўрсатаётган корхоналар ишлаб чиқариш харажатларини тўхтовсиз камайтириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш билан эмас, балки ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки кўрсатаётган хизматлар камчилигидан, танқислигидан фойдаланиб, уларнинг баҳоларини ошириш эвазига режалаштирилган миқдорда даромад (фойда) олишга эришмоқдалар. Бундай ҳол, ўз навбатида, нафақат бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёнининг янада ривожланишини кучайтиради, балки ҳар томонлама илмий асосланган меҳнат нормаларини кенг жорий этиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини қискартиришга умуман имкон бермайди.

Одатда, меҳнатни ташкил этиш ишлари бир қанча йўналишлар бўйича олиб борилади. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

Хулоса ва таклифлар

Бозор муносабатлари иқтисодиётининг ҳамма жабҳаларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олади. Бозор тизими аграр муносабатларга янги мазмун беради. Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатига бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари яхлитликда боришини талаб қилади ва иқтисодиётнинг аграр секторини ташкил этади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр секторини ривожлантириш бозор муносабатларига ўтишнинг асосий ҳал қилувчи бўғинидир. Қишлоқ хўжалиги республика аҳолисини озиқ-овқат, мева-сабзавотлар, ғалла, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш қонуни асосида амалга ошади. Бу ривожланишга эстенсив ва интенсив ривожлантириш йўллари билан фойдаланган ҳолда эришилади.

Қишлоқ хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш деганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва самарадорликни ўсишини миқдорий омиллар эвазига - янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириш, чорва молларини бошини кўпайтириш ва қўшимча ишловчиларни жалб этиш орқали эришилиши тушунилади. Бунда ишлаб чиқариш ресурслари кўламларининг ортиши юз бергани ҳолда техника технологияси, сифат даражаси, ер унумдорлиги ва чорва моллар маҳсулдорлиги тубдан ўзгармайди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив шаклида- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши сифат омиллари эвазига, яъни ишлаб чиқаришга нисбатан такомиллашган замонавий ишлаб чиқариш ресурсларини тадбиқ этиш (улардан тўла ва самарали фойдаланиш), деҳқончилик ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этувчи илғор технология, илмий-техника тараққиёти натижалари, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усуллари жорий этиш орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш назарияси авваломбор ер хусусиятини ҳисобга олиш, уни қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси эканига асосланади. Маълумки ерни асосий восита сифатида муҳим хусусиятларидан бири уни чегараланганлигидир. Ерни чегараланганлиги ўз навбатида қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни кўшимча ер майдонларини ўзлаштириш орқали амалга ошириш чегараланганлиги ишлаб чиқариш олдига мавжуд ўзлаштирилган ерларни сифатини яхшилаш, бинобарин, улардан интенсив фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги интенсивлаштириш - кўп жиҳатли жараён бўлиб, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда қуйидаги омиллар муҳим ҳисобланади:

- ✓ Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш.
- ✓ Этиштирилган маҳсулотларни асраш, уни нобудгарчилигини олдини олиш. Қишлоқ хўжалигини мавсумийлик хусусиятига мутаносиб ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш.
- ✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш.
- ✓ Мелиорациялаш - суғориш, зах қочириш, ерни оҳаклаш, шўрни ювиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш тадбирлари;
- ✓ Ресурс талабчанлиги кам бўлган интенсив технологияларни қўллаш.
- ✓ Чорва молларининг таркиби сифатини ва уларнинг озуқа базасини яхшилаш.
- ✓ Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш.
- ✓ Мутахассисларнинг малакасини ошириш.
- ✓ Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини тадбиқ этиш.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражаси натура ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Натурал кўрсаткич ёрдамида хўжаликдаги тармоқлар ва уларни бир-бирлари билан қанчалик боғланганлиги ҳамда айрим тармоқчалар ва экин турлари бўйича қанча маҳсулот этиштирилганлигини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи натурал кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

- 1). Ер майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати.
- 2). Ҳар гектар экинзорга тўғри келадиган минерал ва маҳаллий ўғит. Бу кўрсаткич ернинг иқтисодий унимдорлик даражасига таъсир этиш кўламини ўзида ифода этади;
- 3). Ер фондида экин майдонлари ҳиссасини кўпайтириш.
- 4). Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий ер майдонига нисбати..

Чорвачиликнинг интенсив ривожланганлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган қиймат кўринишдаги жонли ва буюмлашган меҳнат сарфи. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига қанча кўп ишлаб чиқариш воситаларига ва бевосита меҳнат харажатлари тўғри келса, қоидага мувофиқ ундан олиннадиган маҳсулот миқдори ҳам шунча юқори бўлади;

2. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган озуқа.

3. Чорвачиликни юритиш маданиятини кўтариш:

4. Чорвачиликда наслчилик билан боғлиқ ишларни яхшилаш.

5. Мутахассисларнинг малакасини ошириш,

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичи сарфланган меҳнат ва маблағ эвазига қанча сўмлик қўшимча маҳсулот етиштирилганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланиш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичлари қуйдагилардан иборат:

1. Бир гектар ер майдонига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амортизациядан ташқари).

2. Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати.

3. Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари.

4. Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жонли меҳнат сарфи.

Шундай қилиб, интенсивлаштиришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида интенсивлашнинг иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан фаол фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ер участкасига, ҳар қандай ҳажмда, ҳар қандай капитални қўйиш мумкин, лекин бу ўз-ўзидан маълумки, агар шу мамлакатда шу пайтда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқа шароитлар мавжуд бўлишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар оқилона сарфланиши керакки, бунда хўжалик ҳар бир бирлик харажатга кўпроқ маҳсулот ва максимум фойда олиши керак.

Фермер хўжалиги ғаллачилик тармоғида такрор ишлаб чиқариш жараёнларини 3-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиб кўрганимизда, хўжаликда экин майдонлари миқдори ошишига қарамасдан бир гектар ер майдонидан олинадиган ҳосилдорлик камайиб кетганлигини, маҳсулотни сотиш баҳосига нисбатан таннарх ва ишлаб чиқариш харажатлари кескин ошиб кетганлиги, натижада бир бирлик маҳсулотни етиштириш ва сотиш жараёнларидан олинадиган натижалар таҳлил даврида 70,0 фоизга тушиб кетганлиги ҳамда рентабеллик 54,27 фоизни ташкил этганлигини жадвал маълумотлари тасдиқлаб турибди.

4-жадвал асосида фермер хўжалигининг пахачилик тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини таҳлил қилиб кўрганимизда таҳлил даврида пахта экин майдони камайган бўлсада ҳосилдорликни ошиши ҳисобига ялпи ҳосилни ошиши таъминлаганлиги, ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари 113,09 фоизга ошган бўлсада, маҳсулот сотишдан тушадиган тушум ҳажми 118,26 фоизга ўсиши таъминлаганлигини кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини 6-жадвал маълумотлари билан таҳлил қилганимизда, фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари 117,12 фоизга, маҳсулот сотишдан тушган тушум 120,60 фоизга, молиявий натижа яъни ялпи фойда эса 265,46 фоизга ўзгарганлигини қайд этиш мумкин. Бироқ давр харажатлари қоплагандан сўнг хўжаликда қоладиган фойда миқдор кескин камайганлиги, соф фойда миқдори асосан давлат томонидан қўллаб қувватлаш яъни молиявий кўмаклар асосида таъминлаганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнларининг пировард натижаси ишчи кучларининг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Иш вақти ва ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш эвазигагина юқори ўсиш суръатлари яъни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш таъминланади.

7-жадвал маълумотлари асосида ишчи кучларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилганимизда, ўртача ишловчилар 107,69 фоизга ўсган бўлсада, ялпи маҳсулот қиймати 120,60 фоизга, меҳнат унумдорлиги эса 111,98 фоизга ўсиши таъминланганлиги, юқори ўсиш суръатлари ғаллачилик тармоғига тўғри келаётганлигини жадвал маълумотлари кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт бўлар экан, бу ерда бозорда регулятори ва давлат регулятори қўшилган ҳолда ва биргаликда амал қилади. Бу ҳақда буюк иқтисодчи, инглиз олими Жон Мейнорд Кейнс таълимоти иқтисодиётда алоҳида ўрин тутади. Ж.Кейнс иқтисодиётни нормал ривожланиб туриши учун бозор механизми орқали тартибланиши кифоя қилмайди, чунки жами талаб ва таклиф мос келавермайди, шунинг учун давлат иқтисодиётга аралашishi зарур деб ҳисоблайди. Унинг фикрича давлат талабга таъсир этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, бу ҳол ишлаб чиқаришни кенгайтишига сабаб бўлади. Кейнс давлат - пул кредит сиёсати орқали жамиятни талабини қондириш ва аҳолини иш билан таъминлаш ғоясини илгари суради. Давлат кризисга қарши сиёсат ўтказишни, иқтисодий тушкунликни салбий оқибатларини тугатиш каби масалаларни ҳал қилади. Кейнс назариясининг асосий хулосаси қуйидагилардан иборат эди: иқтисодиётдаги мувозант бузилиши хўжаликнинг ишдан чиқаради, давлат ўзининг иқтисодиётига аралашishдан иборат фаолияти орқали мувозанатларини тиклашда қатнашади, бу билан иқтисодиётни тартиблаш, унинг ўсишига имкон беради. Кейнсчилар бозор механизми давлат иштирокисиз иқтисодиётни тартибга солаолмаслигини атрофлича асослаб берганлар. Улар бозор механизми нуқсонларини давлат бартараф эта олади деб ҳисоблайдилар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мавжуд камчиликларни йўқотиш ва қишлоқ хўжалик корхонасида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ҳамда фермер хўжалигининг истиқболдаги ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- ✓ Қишлоқ хўжалик корхонасида меҳнатни тўғри ташкил қилиш
- ✓ Корхонада ходимлар қунимсизлигига барҳам бериш
- ✓ Ходимларни малакасини ва сафарбарлигини ошириш
- ✓ жонли меҳнатни тежаш ва механизациялашган меҳнатни ошириш
- ✓ Иш вақти фондини тўғри режлаштириш ва ундан самарали фойдаланиш
- ✓ Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мавсумийликни қисқартириш ва кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этишни тезлаштириш
- ✓ ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш.; -алмашлаб экишни тўғри жорий қилиш, талаб ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда экин турларини жойлаштиришни рационал ташкил этиш;
- ✓ уруғчиликни яхшилаш, селекция ишларни жонлантириш;
- ✓ минерал ва органик ўғитлардан фойдаланишни илмий асосга қўйиш, барча кимёвий воситалардан самарали фойдаланишга эришиш;
- ✓ ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш, кўл меҳнатига асосланган меҳнатни қисқартириш ва ишлаб чиқаришни тўлиқ механизациялаштириш
- ✓ Тармоқларни интенсивлаштириш ишлаб чиқаришни илмий асосланган тизимига ўтиш;
- ✓ Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришга алоҳида эътибор бериш орқали маҳсулотта сарфланадиган меҳнат харажатларини пасайтиришга эришиш.
- ✓ Маҳсулот сифатини яхшилаш ва уни харидоргирлигини ошириш;
- ✓ Ишлаб чиқариш ресурслари тежамкорлигига эришиш интенсив технологияларни жорий этиш орқали маҳсулот таннархини пасайтиришга эришиш ва бошқалар .

1. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2015.- 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Тошкент.: “Адолат”, 1996. 263 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлари

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 2007. 24 май, 106- сон.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

7. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқрлаштириш йўлида” Тошкент “Ўзбекистон” 1996 йил
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият. 2008 - 69 б.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б
11. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. - 56 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТнинг “Мингйиллик ривожланиш мақсади” Саммити Ялпи мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи, 21.09.2010 й
13. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
14. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”-Т. Маънавият 2011 йил
15. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //“Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь, № 13.(5687)
17. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. Халқ сўзи газетаси 2015 йил 18-январ
18. Каримов И.А. “Она халқим ва юртим бахт- саодати йўлида хизмат қилиш олий саодатдир” Тошкент “Маънавият” 2014 йил
19. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз Ўзбекистон – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Халқ сўзи газетаси 2016 йил 17-январь

V. Дарсликлар

20. Баженова В.С., Иохин В.Я. Экономическая теория. Микроэкономика – 1, 2. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 934 с.
21. Кудина М.В. Основы экономики. – М.: ФОРУМ: ИНФА-М, 2006.– 352 с.
22. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
23. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.
24. Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.
25. Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.
26. масов А, Шарифхўжаев М, «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Молия», 1995 йил.
27. Ўлмасов А. «Иқтисодиёт асослари», Тошкент, «Меҳнат» 1997 йил.
28. Қодиров А ва бошқалар. «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Университет», 2002 йил.
29. Умаров К. Ю. «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Университет», 2000 йил.
30. ШодмоновШ, Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси, Тошкент, «Молия», 2002 йил.
31. Тожибоева Д. «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Шарқ», 2003 йил.
32. /уломов С, Абдуллаев А, Сотволдиев А, «Иқтисодиёт илми асослари», Тошкент, «Молия», 2002 йил.
33. Бекнозов Н, Иқтисодиёт назарияси, Тошкент, 2005 йил.
34. Шодмонов Ш. Офуров У. «Иқтисодиёт назарияси» Тошкент, 2005 йил.
35. Назаров А.Ш. «Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш». Дарслик . Т.: 2004.
36. Абдуғаниев А., Толаметова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Т.: «Меҳнат», 1998. 96 б.
37. Абдукаримов Б.А Корхона иқтисодиёти Дарслик Тошкент «Фан» 2005 йил
38. 4.Жураев Ф.Кишлоқ хужалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш Дарслик Тошкент «Истиклол» 2004 йил
39. Абулқосимов Ҳ. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. –Т.: Akadimiya, 2008.

VI. Ўқув қўлланмалар

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12

ноябрдаги кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. - Т.: “Иқтисодиёт”, 2010 - 281 б.

41. Абдуллаев Ё, Қораев Т. 100 савол ва жавоб. Тошкент, «Меҳнат», 1996 йил.
42. Камаев В. Д. «Основа экономической теории». М, Изд МГУ им. Н. Е. Баумана», 1996.
43. Абдуллаев Ё. Қимматли қоғозлар. Т, «Меҳнат», 1997 йил.
44. Абдуллаев Ё. «Бозор иқтисодиёти асослари», Т, «Меҳнат», 1997 йил.
45. Расулов М. «Бозор иқтисодиёти асослари», Т, 1999 йил.
46. Ғуломов С, Шарифхўжаев М, «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти». Т, «Ўқитувчи», 2002 йил.
47. Абдуллаева Ш. «Пул, кредит ва банклар». Тошкент. «Молия», 2015 й.
48. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали. Барча сонлари.

VII. Статистик маълумотлар тўплами

49. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари.
50. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2011. –Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.
51. Статистическое обозрение Узбекистана. 2006-2015.
52. Узбекистан в цифрах. 2015. – Ташкент, 2015. – 64-88 стр.
53. Узбекистан 2011. Альманах. –Т.: ЦЭИ, 2011. -124 с.
54. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Стат. сб. –Т.: Узбекистан, 2011. -136 с.
55. Қашқадарё вилояти Касби тумани “Отаев Улаш бобо” фермер хўжалигининг статистик маълумотлари

VIII. Интернет сайтлари

56. www.mintrud.uz - Ўз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги расмий сайти
57. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.
58. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
59. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг сайти.
60. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатлари сайти.
61. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг сайти.
62. www.vedomosti.ru/finance/news/1483073/prizrak_velikoj_depressii
63. <http://dx.doi.org/10.1787/unemp-lt-table-2012-1-en>
64. <http://expert.ru/2013/01/23/raboty-vse-menshe/>
65. <http://dx.doi.org/10.1787/unemp-yth-table-2012-1-en>